

ТЎРА СУЛАЙМОН

# ИЛТИЖО

Шеърлар

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1976

1. Адабиёт ва санъат

Сулаймоннинг янги шеърлари жамланган китоби Бўлида яратилган хушоҳанг ва шайх Мирзаачўлнинг алп кишилари ҳақидаги муҳтарам ўқувчиларга завқ-шавқ ба

Сулайманов Т. Мольба  
Стихи, Ўз:

2010.3 123  
35—76

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти, 1976

## БОШЛАМА

Олқор тонгни кутганидай баланд қоя устида,  
Азимлиги билан кўкка монанд қоя устида,  
Неча тунлар бедор бўлдим қут қўшиқнинг ишқида,  
Угам, Чотқол тоғларидай бут қўшиқнинг ишқида.

Қут қўшиқнинг ҳангомаси  
Шунча мушкул, ёпирай.  
Бут қўшиқнинг бошламаси  
Бунча мушкул, ёпирай.

Жон куйдирмай жононага етмоқлик йўқ, дегандай,  
Этик ечмай тошқин сойдан ўтмоқлик йўқ, дегандай,  
Йўлга чиқдик, энди йўлдан қайтмоқлик йўқ, қора кўз.  
Не сир кўрсак, сир соқлари айтмоқлик йўқ, қора кўз.

Санновчининг<sup>1</sup> яхши байт  
Ярашиғи, дегандай,  
Яхши қўшиқ кўзининг  
Қорачиғи, дегандай,

Бахти барҳақ чўпонлар йўрға минар, дегандай,  
Қайбировлар йўртоқни зўрға минар, дегандай,

---

<sup>1</sup> Бахшининг.

Баъзи тунлар дарада тунаб ўтиб бораман,  
Қай бир ерда бахтимни синаб ўтиб бораман.

Югрук кўнгил тоғларнинг  
Сирин билмоқ истайди,  
Ҳар гиёҳ, ҳар тошини  
Куйга солмоқ истайди...

## БУСТОН КЕЗАМАН

Бўзда бўстон кезаман ўз ихтиёрим билан,  
Гулзор этмоқ ниятим деган шиорим билан,  
Тошда гул ундиришдек азму қарорим билан,  
Эзгу ният ўйларим — бу дилда борим билан  
Бахт топдим, камол топдим, ўз эътиборим билан.

Чўл чекинар ва лекин чекинмаклик менда йўқ,  
На шўри, на тафтидан ўкинмаклик менда йўқ,  
Сахро қайсарлигига чўқинмаклик менда йўқ,  
Текин гулзор ишқида суқинмаклик менда йўқ,  
Шодон кун ўтказарман шўх жаранг торим билан.

Ҳар қадамда поёндоз йўлларимга гул гунча,  
Сабр этмайин бўлурми гулгунча очилгунча,  
Сўнгсиз қўриқ бағрида очилиб сочилгунча,  
Ўтказган ҳар ниҳолим боғ ичра етилгунча,  
Беллашгайман беармон ёнимда ёрим билан.

Янгиернинг тонгидай аҳдим бор, паймоним бор,  
Унмоқлик, ўсмоқликка ўйламанг гумоним бор,  
Олтин бўлгай тутганим, на дилда армоним бор,  
Юз асрга бергусиз даврим бор, давроним бор.  
Фахрлансам арзийди гулдай диёрим билан.

## ИЛТИЖО

Баҳор, кетма бизнинг боғлардан.

*Ойбек*

Баҳор келса, бошланур боғда булбул хониши,  
Саъва, қумри нағмаси, суралай товланиши.  
Қирларда лола сайли, қишлоқларда йил боши:  
Тўхтагай табиатдан ҳаққушлар зорланиши,  
Баҳор, кетма менинг боғимдан!

Қилмиши қинғир зотга давр қайда, даврон қайда?  
Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?  
Елғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда?  
Баҳор, сенсиз сахро-ю, тоғу тошга жон қайда?  
Баҳор, кетма менинг боғимдан!

Ўлмасликка ишора —

Ўланга ошиқлигим,

Саодатга ишора —

замонга ошиқлитим,

Теранликка ишора —

уммонга ошиқлигим,

Ғўзалликка ишора —

бўстонга ошиқлигим.

Баҳор, кетма менинг боғимдан!

Букун қай бир ерда қиш, қайда хазон резгилик,  
Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилик.

Кўкларнинг ҳар нафаси — умрга арзигулик,  
Богсиз, боғбонсиз ерда не ҳам қилсин эзгулик...  
Баҳор, кетма менинг боғимдан!

Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна мазор бошлари,  
Майсадаги шудринглар — кимларнинг кўз ёшлари?  
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,  
Ҳар баҳор эслар уни қавми-қариндошлари,  
Баҳор, кетма менинг боғимдан!

Олам мунавварлиги —  
                                ой билан, қуёш билан,  
Қора ер гавҳарлиги —  
                                меҳнату бардош билан,  
Элнинг бахтиёрлиги —  
                                жондош, ватандош билан,  
Кўнглимиз баҳорлиги —  
                                эмиқдош, элдош билан.  
Баҳор, кетма менинг боғимдан!

Ез бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман,  
Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман.  
Куз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман,  
Баҳорсиз ҳам диёрсиз эл ичра беназарман,  
Баҳор, кетма менинг боғимдан!

## СОҒИНИШ

Ўсма қўйди кўклам уфқ қошига,  
Сел урилди дарё, ўзан тошига,  
Сўфитўрғай қўнди уват бошига,  
Баҳор, соғинтириб келишинг яхши.

Яйловларда майса қимтир қўй-қўзи,  
Дардга шифо човкар бия қимизи.  
Қопланмасдан гулга буткул қир юзи,  
Баҳор, соғинтириб келишинг яхши.

Сирли туюлади мажнунтол таги,  
Жилга, сой бўйлари, тоғлар этаги,  
Энди ниш урганда бодом куртаги,  
Баҳор, соғинтириб келишинг яхши.

Яқин-йироқлардан келар най саси,  
Пахтакор ёшларнинг шўх таронаси.  
Қўшиқсиз ҳаётнинг йўқдир маъноси,  
Баҳор, соғинтириб келишинг яхши.

Қоя, ўрларда қор, дилларда баҳор,  
Турна пастлаб ўтар — элларда баҳор,  
Ғоз қўниб, ғоз учар — кўлларда баҳор,  
Баҳор, қувонтириб келишинг яхши.



## ГУЛДАСТА

*Устоз Миртемиргә*

Отинг бўлса «чу» деганда юлдуз кўзлаб учгудай,  
Яшин каби шиддат билан еру кўкни қучгудай,  
Ер тепинса, ларзасидан тоғлар тоши кўчгудай.  
Қут қадами етган ердан «Балогардон» қочгудай.  
Шоир минган аргумоқ ҳам бу тур отдан қолишмас.

Ўз халқининг бахтин куйлаб, шоир топди эътибор,  
Тулпорининг қанотида «учқур» деган хати бор,  
Олдни кўрар кўзларида туман тарлон ўти бор,  
Синов вайти — пойгаларда олиб берган зоти бор.  
Шоир саман йўрғасини минг йўртоққа алишмас.

Соҳиби ҳам кўпни кўрган чавандоздан устивор,  
Кучга тўлган навқирондай — йўлбарс янглиғ пурвиқор,  
Қорли тоғлар қоясидай салобатли кўрки бор,  
Бошида байт, жир, ўландан қарқараси — бўрки бор.  
Шеър бобида яна юз йил маъра тортсин, саз тортсин.

Тутар бўлдим «Енгажон»нинг қайнисига гулдаста,  
Керак бўлса жонини ҳам қиймасига гулдаста,  
Ҳазилкаши, кўрар кўзи, сийнасига гулдаста,  
Манзилкаши, соғинганда хумосига гулдаста.  
Шоир созин бундан минг бор сара тортсин, саз тортсин.



Шунқорлардан сўз очсам,  
Жўша бергим келади.  
Достон устига достон  
Қўша бергим келади.

Зарафшондай мавж уриб  
Тоша бергим келади.  
Қўшиқ айтиб тоғлардан  
Оша бергим келади.

Созим туриб, янги соз  
Йўна бергим келади.  
Булбул бўлиб ҳар боққа  
Қўна бергим келади.

Шунқорлардан сўз очсам,  
Жўша бергим келади.  
Достон устига достон  
Қўша бергим келади.

## БЎЛСА

Улфатинг дилкаш бўлса,  
Маъқул, манзилкаш бўлса.  
Ёринг жайрон табиат,  
Қувноқ, ҳазилкаш бўлса.

Йўл бўлса, Олой бўлса,  
Кўрганинг Қумой бўлса.  
Ёшликда кўрган кунинг  
Бир куни бир ой бўлса.

\* \* \*

Мен сени суйдим, Қоракўз,  
Суйдим, суйдиrolмадим.  
Ишқингда куйдим, Қоракўз,  
Куйдим, куйдиrolмадим..

## СОЗЧИ ҚУШИҒИ

Олти ой эримас Оқтовнинг қори,  
Қўкида чарх урар қарчиғай, сори.  
Узига мос бўлса йигитнинг ёри,  
Бахтидан шод бўлса онаизори,  
Мақтовин келтирар сайроқ торим, ҳей.

Яхшилик бор ерда шай бўлган созсан,  
Тунлари тўлишган ой бўлган созсан,  
Ташна лаб дилларга сой бўлган созсан,  
Не эзгу куйларга бой бўлган созсан,  
Сайрасанг қолмағай нола, зорим, ҳей.

Боғларда барқ уриб очилсин лола,  
Булбул дард чекмасин, қилмасин нола,  
Қўлдан-қўлга ўтсин қирмиз пиёла,  
Сеҳримиз, меҳримиз элга ҳавола,  
Сен билан бу юртда эътиборим, ҳей.

Базми қизитиб, кўнгил овлочи,  
Ажиб бир оҳангда дилни боғловчи,  
Саҳнада ўзини гўё чоғловчи,  
Шикаста кўнгилни доим йўқловчи,  
Армонли кунларда ғамғузорим, ҳей.

## БОЛАМ-ОВ

Айланайин болам-ов,  
Тоққа битган лолам-ов.  
Бўта кўзим, сочлари  
Қундуздан ҳам қорам-ов.  
Бирпас бўйинг кўрмасам  
Менда бўлмас ором-ов.

Талпинишинг тойлоқдай,  
Кўзларинг шамчиरोқдай.  
Тинчимайсан — шўхлигинг  
Олқор — темир туёқдай.  
Бўйинг кўрсам, дилимда  
Қўшиқ қайнар булоқдай.

## ХУШ КҮРДИК

Муборак йилбоши дастурхонига —  
Етмиш икки таом — мезбон жонига,  
Меҳру оқибатнинг битмас конига,  
Яшиллик тимсоли — арча ёнига,  
Дўсту ёронларни хуш кўрдик.

Олқор табиатли оқиндай қувноқ,  
Дили дилимизга яқин ва иноқ.  
Кўнгли Олтинтопган сийнасидай оқ,  
Нафаси — безавол, қадами қут, пок —  
Азиз меҳмонларни хуш кўрдик.

Туркистон тоғидай қорли, қояли,  
Чолларда не армон: ўгли зиёли.  
Мудом омонликда зехни, хаёли,  
Келини фидойи, қизи ҳаёли,  
Катта қарвонларни хуш кўрдик.

Она юртга босиб келганида ёв,  
Солмоқ бўлганида йўлимизга ғов,  
Қошу кипригига қўндирмай қиров,  
Зор қақшатиб додин берган беаёв,  
Марду майдонларни хуш кўрдик.

Улуғ айём — нозу неъматин билан,  
Номдор йигит — олий ҳиммати билан,  
Қумой учиб қўнғай қаноти билан,  
Бу қутлуғ кун кўпнинг ҳурмати билан,  
Шакар забонларни хуш кўрдик.

Туққан, туғишгандай дилкаш барингиз,  
Бехазон, бехатар, куз, баҳорингиз,  
Элда улуғ бўлсин эътиборингиз,  
Тилагим: Қорбобо мисол қарингиз,  
Соҳиб давронларни хуш кўрдик.

## БОҒБОН ҚУШИҒИ

Туrolмасман бирпас тек  
Мен чаманзор ишқида;  
Қумри, товус, саъвадек  
Гул, лолазор ишқида.

Есанг чарос, нашвати,  
Кетмагай тилдан тоти.  
Тинмас бунда ёз бўйи  
Булбулларнинг баёти.

Сайри боққа ёз чоғи  
Келинг ёрингиз билан.  
Ё баҳор, ё куз чоғи  
Қўлда торингиз билаң.



## КУЗ ВА ҚОШ

Баланд-баланд тоғларда қорасондан қор ётар,  
Қумой қўнмас ерларда ўлжа кутиб сор ётар.  
Ишчи билан деҳқоннинг ишига омад тилаб,  
Сийнамизда тавозе тўла бир баҳор ётар.

Пахтакор қизлар ўтган кўчада райҳон иси,  
Бошида алвон дурра — шарму ҳаё белгиси.  
Осмон тўла юлдузга ўхшайди ишчи қизлар,  
Оламни яшартирар, шўх ўйин, шўх кулгуси.

Усмага ҳеч ҳожат йўқ ўзи қора қош бўлса,  
Меҳнатда, муҳаббатда бўй қизларга бош бўлса.  
Не ажаб қишлоқ, шаҳар сатҳида, самосида  
Болқон қиз Қамар бўлиб, Ойдин қиз Қуёш бўлса.

Ишчи-деҳқон бирлиги — қиёс боғу баҳорга,  
Мунг билмас, завоил билмас элда азиз қўшторга.  
Шу бирлик шарофати, меҳру оқибатидан  
Поёнсиз чўл чекиниб айланди лозазорга.

Уроқ билан Болғанинг тимсоли кўз-қош демак,  
Қўш мағиздай манзилкаш, ҳамдаст, эмикдош демак.  
Аҳди бир, армони бир, бахти бир, замони бир,  
Тутган йўли, йўриғи жаҳонга туташ демак.

## МОРГУЗАР

Киндик қоним томган Моргузар,  
Гўшаларинг соғиниб келдим.  
Чор атрофи сўлим, лолазор  
Уваларинг соғиниб келдим.

Куни кеча тиниб-тинчимас,  
Бағрингдаги шўх бола эдим.  
Кўҳлигингга кўнгли кўнчимас,  
Шарқираган шалола эдим.

Бир қиз билан яйраб тўймасдим,  
Яшириниб тош панасига,  
Ёшлик экан: бошим қўярдим  
Керак бўлса остонасига.

Телбанамо эдим ёшликда,  
Телбаликнинг ҳали акси бор.  
Уша қизнинг ҳали кўксимда  
Куйлагулик севги баҳси бор...

Шундан бери қўмсайман дилдан  
Тоғ эркаси — оҳуларингни.  
Қайда бўлмай туширмам тилдан  
Сулувларинг, шўх сувларингни.

Шундан бери қўмсайман жондан  
Қўл музлатар ирмоқларингни.  
Соғинганда созим чертаман  
Ишга солиб бармоқларимни...

Чўл тўрғайи каби чулдираб,  
Осмонингда чарх урай букун.  
Булдуриқдай кўкда пилдираб,  
Ошёнингда чарх урай букун.

## МЕНГА ТУГАЛ ЮРАК КЕРАК, ДИЛ КЕРАК

*Абдулла Тожибоевдан*

Толиққан одамнинг тусига  
Кўзим тушса ўтдай ёнаман.  
Сабаб: солсам кўпнинг эсига,  
Кечган куним эди беомон.

Толиқамиз нур билан елдан,  
Инониш ҳам, суйиш ҳам ишдир.  
Сийлов билмас ажралар элдан,  
Сийлов билмас элда бойқушдир.

Толиқамиз гоҳо шодликдан,  
Толиқамиз гоҳо ётликдан.  
Толиқамиз гоҳо соқликдан,  
Толиқамиз гоҳо тоқликдан.

Ором олиш керак одамга,  
Ором олиш керак замонга...

Ачкиқ бўлса — увдай бўлсин.  
Чучук бўлса — сувдай бўлсин.  
Йилитма ош — ёрти ошдир, ёронлар,  
Ёрти ошдан кўнгил ғашдир ёронлар.

Менга бутун кўнгил керак, кун керак.  
Менга туташ юлдуз тўла тун керак.  
Менга туташ денгиз керак, тоғ керак.  
Хазони йўқ чорбоғ керак, боғ керак.

Мен ёртилаб муҳаббатни олмайман,  
Мен ёрти дўст хонасида қолмайман.  
Менга тугал юрак керак, дил керак.  
Менга дилга яқин тугал эл керак.

## ҚАЙДАСАН?

(«Жаҳонгашта» достонидан)

Боламнинг кетидан болам деб эдим,  
Боғимда қулф урган лолам деб эдим,  
Бузилмас қўрғоним, қалъам деб эдим,  
Сен бўлсанг бўлмагай нолам деб эдим,  
Суқсурим, сулувим, сўнам, қайдасан?

Қайтиб келмас энди ёрим, дедингми?  
Узилди қўлдаги торим, дедингми?  
Барбод бўлди борлиқ корим, дедингми?  
Тугади тоқатим, орим, дедингми?  
Яхшимнинг ёмони санам, қайдасан?

Янги чиққан ойдек ботар бўлдингми?  
Қутлуғ хонамизга хатар бўлдингми?  
Бизларни йиғлатиб кетар бўлдингми?  
Йиғлатиб муродга етар бўлдингми?  
Хувиллаб қолмасин хонам, қайдасан?

Ёлғиз ўзинг тоққа талаб айласанг,  
Еш жонингни абгор, хароб айласанг,  
Кўздан ёшинг тўкиб, гирдоб айласанг,  
Барчанинг бағрини зардоб айласанг?  
Сен билан кетайин манам, қайдасан?

Ўлган жонимизни ўлдириб кетма,  
Сўлган юзимизни сўлдириб кетма,  
Дўсту душманимиз кулдириб кетма,  
Боламнинг ўрнини билдириб кетма,  
Ювса қўлдан кетмас хинам, қайдасан?

## СЕНИНГСИЗ...

Тилга киргайми ёрсиз совчининг таронаси?  
Сенсиз келган кўкламнинг борми экан маъноси?  
Васлингга етмоқ мудом шайдойинг таманноси,  
Сенмасми мани этган беқарор, бебардош, қиз?

Мен учун бу дунёнинг кўркамлиги сен билан,  
Беармону беафғон, бекамлиги сен билан.  
Ун саккиз минг оламнинг оламлиги сен билан  
Бу жаҳонда кўрмасин шаҳло кўзинг ҳеч ёш, қиз.

Сулув, сенингсиз кўзга кенг жаҳон тор кўринур,  
Тоғларда унган лола ўрнида қор кўринур,  
Бу лаб бир қатра сувга ташнаи зор кўринур,  
Тобақай бўлгай сани ошёнинг Шош, қиз?



## ҚОПҚОН

(Ҳазил)

Хулкар ботиб боради, Хулкар ботиб,  
Ҳа, демай ой кўринар нур таратиб.  
Эл уйқуда, йўл олди қайларгадур  
Овчи йигит отини йўрғалатиб.

Булоқ бўйи манзили, булоқ бўйи,  
Не билан қайтар? — Шунда борлиқ ўйи.  
Овчилик ота касби, бобо касби,  
Кийиклар бу овчининг қўзи, қўйи.

Қўлдаги «Қўшоғизи», «Қўшоғизи»  
Гўшадаги қушларнинг ялмоғизи.  
Қорсоқлар қон қақшайди қопқонидан,  
Тамоми хавфу хатар босган изи.

Тонг ҳам отиб келади, тонг ҳам отиб,  
Ёруғликни тоғу тошга оралатиб.  
Оппоқ тонгни қаршилаб ўлан айтар,  
Қирда чўпон қўйларни қўзилатиб.

Келади жайрон бола, жайрон бола,  
Булоқ бўйига кўнгли вайрон бола.  
Куни кеча онаси ўққа учган,  
Дунёнинг ишларига ҳайрон бола.

Бу тоғнинг олқорлари, оҳулари,  
Товуслари, товушқон, оққувлари,  
Сув ичгали булоққа тушиб келар,  
Кўкда эса қушларнинг қий-чувлари.

Булоққа тушиб келар, тушиб келар,  
Анов қорли қоядан ошиб келар,  
Кўлда челақ сулув қиз сув олгали,  
Қим билади бунчалик шошиб келар.

Ўлжа кутиб ётибди, ўлжа кутиб,  
Овчи йигит борлиққа кўз югуртиб.  
Бирон ўлжа илинжи турган жойда  
Узга тугул ўзини ҳам унутиб.

Қопқонга не тушади, не тушади,  
Қай бегуноҳ, йўлидан адашади?  
Олқорлар тушса тушсин, қиз тушмасин,  
Шуни ўйлаб юраклар увишади,

## ЭРТАҚДА ТОПИЛМАС БУ КУНЛАР

*Мамат бахшидан*

Мамат бахши қирқдан ошиб боради,  
Кун сайин дарёдай тошиб боради.  
Яхшилик бор ерга, дўмбирасини  
Булбулдай сайратиб, шошиб боради.  
Термани дostonга қўшиб боради.

Бу замонда бахт менга ёр бўлди.  
Қаерда тўй бўлса ўрним бор бўлди.  
Ризқи мўл, бадавлат колхозчиларнинг  
Кийгани кимхобдан, барқут зар бўлди,  
Ҳар тола пахтаси олтин, пар бўлди.

Юзимизни оқ қилолди машина,  
Оқ олтиндан тоғ қилолди машина,  
Юзта фил бас келмас қилган ишига,  
Ишончимиз оқлай олди машина,  
Шухратини сақлай олди машина,

Қўлдан учган суқсур десам, ғоз экан,  
Қўкда сузган турна десам боз<sup>1</sup> экан.  
Ҳарорати офтобча бор дегани —  
Тутуни, кули йўқ яшил газ экан,  
Палов пиширмаққа жуда соз экан.

---

<sup>1</sup> Боз — лочин.

Осмон сирин билди одамзод ақли,  
Бидъат, хурофотнинг йўқ бунга дахли,  
Дулдул нима турганида «ТУ», «ИЛ» лар,  
Ракетамиз Чўлпон юлдуз сиёқли,  
Эртакда йўқ бу ҳол десам мен ҳақли.

## ҚОР ХАТ

Эшик олди гулҳовуз, гул тергайи келганмиз,  
Гулни баҳона қилиб, ёр кўргани келганмиз.  
(Қўшиқдан)

Қишдан дарак: бетиним лайлак қор ёғар эди.  
Қор ўйнамоққа дилда ҳавас уйғотар эди.

Биринчи бор ёғиши.  
Биринчи қор ёғиши.  
Ёрса ҳам зўр ёғиши.

Ҳаммаёқ оқлигидан гўё тонг отар эди.  
Кўкда қорга аралаш ҳулкар ҳам ботар эди.

Тўкма ердик шу кеча тенгқур йигитлар билан,  
Дўстга дўсту, нодўстга ёвқур йигитлар билан,  
Ўйин, чапак, не мақом... суҳбат авжида эди,  
Қай бирларин тилида Оққиз, Мавжуда... эди.  
Не-не сунбул сочлилар тилга олинар эди.  
Гоҳо қўшиқ, гоҳо куй — «Тўрғай» чалинар эди.  
Шоир Мамат торини тўрғайдай бўзлатарди.  
Санъатига офарин, қўш қилни сўзлатарди.

Гоҳо Юнус парини  
Кўкка кўтарар эди,  
Гоҳо Гўрўғли билан  
Бирга ўтирар эди..

Отса отсин тонг, майли, ўтиргаймиз тонгача,  
Чунки созчининг ҳар гал чалган куйи янгича.  
Сафимизга кел сен ҳам қавм аҳли заи йигитлар,  
Дўст бўлсанг дўст бўлгулик кўнгли офтоб йигитлар.  
Лочин сифат, дили пок қизларга боп йигитлар,  
Тутган йўли — йўриғи минг бир китоб йигитлар,  
Шулар учун бир умр мезбон бўлсам майлига,  
Минг бор тирилиб, минг бор қурбон бўлсам майлига.  
Гурунг баравж. Бир маҳал хат келтирди бир бола,  
«Қор хат!» деди... Мен дедим ўз сўзингда тур бола.  
«Қор хат!» бўлса тўхтагил, кимдан ўзи айт, дедим,  
Чиндан бўлса ҳимматим, майли, билиб қайт, дедим.

Қайда! Тўхтаб турмади,  
Елдай учди-да, кетди.  
Ўзим ўнглаб олгунча  
Селдай кўчди-да, кетди.  
Хатни ўқиб йигитлар  
Кулишди хо-холашиб.  
«Боплабди», «туширибди»  
Дейишар ҳо-ҳолашиб.  
Кула-кула Тошқизнинг,  
Нафаси оташ қизнинг,  
Ҳар ишу ҳар борада  
Не қизларга бош қизнинг,  
Ўзи бир қуёш қизнинг  
Шарти оғирмас, дерди.  
Талъат:

— Дўстим, ёш қизнинг  
Кўнглин қолдирмас, дерди...

Фақат уч-тўрт совада<sup>1</sup> қимиз топсанг бўлгани,  
Ҳар қултуми элтгулик — тамиз топсанг бўлгани,  
Бўлсин деса «Чертмак» дан, равон чалсанг бўлгани,  
«Аваз», «Равшан» дан айтиб, бийдай тўлсанг бўлгани.  
Уша кеч тунни тонгга улай олсанг бўлгани.

<sup>1</sup> Меш.

Қизларни шу тақлидда сийлай олсанг бўлгани.  
Ҳар бирови бир жаҳон... Кута олсанг бўлгани,  
Чечанига «Қайтарма» айта олсанг бўлгани.  
Бири мушк, бири гулдир ҳидлай олсанг бўлгани,  
Улан айтиб ўйнатиб, кулдиролсанг бўлгани...

Яна кеч базм бўлди  
«Қор хат» баҳонасида.  
Бўлса ҳам азим бўлди  
«Ҳазил — чин» маъносида.  
Дуркун қизлар бир тараф,  
Биз бир тараф.  
Қизлар мени қистайди:  
— Сиз бир тараф.  
Байт айтишда барчамиз  
Юз бир тараф.  
Мот қилишда анову  
Қиз бир тараф!  
Бундай ажаб йиғинга  
Ким бетараф!?  
Тоғлар кўрки — қор билан,  
Қарвон кўрки — нор билан,  
Гул, лола — баҳор билан.  
Бахши сози — тор билан.  
Эр суюкли — ёр билан.  
Мажлис — бўйқизлар билан,  
Моҳирўй қизлар билан,  
Элга маъқул дегандай,  
Дилга маъқул дегандай,  
Бу йиғин сабабчиси,  
Бу йиғин талабчиси  
Тош лақабли қиз эди.  
Дили билан тили бир,  
Қошлари қундуз эди.  
Кўз деганинг бунчалик...  
Ҳа, Чўлпон юлдуз эди.

Суйган йигити учун  
Ҳар сўзи андиз эди.  
«Эшик олди гулҳовуз»..  
Баҳона қимиз эди..



## ДУМБИРАМ

### 1

Бу кун ота юртим тупроғидаман,  
Униб-ўсган шаҳрим кучоғидаман,  
Қадимий маърифат ўчоғидаман,  
Мезбонлар йўқлови, сўроғидаман,  
Тоғошар бахшининг синоғидаман..  
Хутда тошганидай дарёи азим  
Бу кун қўшиқ айтиб, куйламоқ лозим.

Тириг-тириг дўмбирам,  
Сўйла сиринг дўмбирам.  
Сенсиз сўз қуролмайман,  
Қурмасам туrolмайман.  
Қўшиғимнинг қўри бўл,  
Юрагимнинг жўри бўл.  
Чечану ноёб қизлар,  
Ойсанам, Офтоб қизлар,  
Толиб, Бекжон, Комиллар,  
Ўз ишига омиллар,  
Торни сайратгин, — дейди,  
Дилни яйратгин, — дейди.  
Яйратсам — яйратайин,  
Сайратсам — сайратайин.  
Қамонга ўхшайди кўкнинг гардиши,  
Одамзод биландир дунёнинг иши.

Ерда қолмас дерлар кўпнинг олқиши,  
Қўшиқ яралгани — юрак болқиши.

## II

- Тоғларда нима кўп?
- Довон кўп, қир кўп.
- Бағрида нима кўп?
- Хазина, сир кўп.
- Қуёшда нима кўп?
- Ёруғлик, нур кўп.
- Бахшида нима кўп?
- Тугамас жир кўп.

Жонимга тутошдир меҳринг, дўмбирам.  
Булбулни банд қилар сеҳринг, дўмбирам,  
Буюк тоғлар кўкка бош урар, созим,  
Чўққисига лочин тўш урар, созим,  
Дарё сувин баҳор тоширар, созим,  
Инсон қадрини меҳнат оширар, созим,  
Деб шиор ташлаган жўмард эрларнинг,  
Меҳри она юртга пайванд эрларнинг  
Гулхандай қизитган базмин, дўмбирам.  
Гоҳо шўх бўл, гоҳо вазмин, дўмбирам.

Ов сирини билмасанг  
Тутув бермас суралай.  
Бўзламасанг тўрғайдай  
Ранжир кўзи қуралай.

Гурунг қизиқ келди, шай бўл, дўмбирам.  
Турли-туман куйга бой бўл, дўмбирам.

### III

Зоминнинг мусаллас, бўза, болини,  
Хумор кўзликларнинг юзда холини,  
Жиззахнинг чинор, тут, мажнун толини,  
Пахтакор элимнинг бахт-иқболини,  
Ё Бахмал кўшклари кўркам бўйини,  
Ё чори, ҳисори, панжи қўйини,  
Ё Равот даштининг чопқир тойини,  
Ё Сангзор бўйининг булоқ, сойини,  
Ё Каттақўрғоннинг ширмой нонини,  
Ё Норпой буғдойи, Қўйтош конини...  
Неки бор бу элда жаами-жамининг  
Таърифин бирма-бир айт, жон, дўмбирам,  
Куй сендан, мендан-чи, байт, жон, дўмбирам.

### IV

Иўртоқ минмай йўрға минган  
Қорли тоғлардан ошгай.  
Бир ёқадан бош чиқарган  
Камол топиб курашгай.  
Зарафшоннинг сувин ичиб  
Қирғоғида тунасанг,  
Чалпиб-чалпиб белдан кечиб  
Қумлоғида тин олсанг,  
Инон, дўстим, дафтарингда  
Улан, қўшиқ қалашгай.  
Сўнг созингни қўлга олиб  
Тириглатсанг ярашгай.

Зар сочувчи Зарафшонга  
Таъзим қилгин дўмбирам.  
Қайиқчиси билан бу кеч  
Базм қилгин, дўмбирам,  
Шовқин солиб, тиним билмай,

Нор туядай ўкириб,  
Кўпиклари кўкка сапчиб —  
Телба сойдаи кўпириб,  
Гар чалқиса, тўлқинига  
Тўш ургайман тойлоқдай,  
Равон оқса, илҳомланиб  
Қайнагайман булоқдай..

Дара деб аталар тоғлар ораси,  
Тўқайни титратар шернинг наъраси,  
Еганда тил ёрар Фориш чароси,  
Бу ерда қолмоқнинг йўқми чораси?

Новқанинг неси бор? — Тўқай, дашти бор.  
Кулон, олқорларин юз хил пушти бор.  
Қарсак овловчисин омад, шашти бор.  
Бу ерда кезмоқнинг ажиб гашти бор.

Гирдобларда чарх уриб  
Тоғдан келар муздай сув,  
Тиниқлиги, шўхлиги  
Серкокилли қиздай сув.

Нурота тоғлари олқор макони,  
Кўкжор бўзалами равочнинг кони.  
Оқтош, Алдашмонга саратонда кел,  
Ёки пўстин кийиб қаҳратонда кел.  
Чашма, ирмоқлари — жонон кўзгуси.  
Кўкида ёз бўйи турна қийқуси..  
Чопишса маралдан оти ўзгуси.  
«Оқтов» қимиздан тўйгунингча ич.  
Ўзинг бошлаб, ўзинг қўйгунингча ич.  
Қимиз тутса бўтакўз  
Қониб-қониб симирай.  
Айрон тутса «Куллуқ» деб  
Гул-гул ёниб симирай.

Қорақишлоқ кўпдан меҳримни тортар,  
 Ҳавоси, сувига ҳавасим ортар.  
 Шу юртда бир қиз бор кўксимни ўртар.  
 Ҳар куни саломим тонг ели элтар:

«Ёр, кўчангдан ўтганимда  
 Гул кўтариб, ҳам йўталиб,  
 Гулгун ёниб, йўлларимга  
 Чиққил укангни кўтариб».

«Ҳар мушкул, ҳар хатарда,  
 Ҳар балодан сақлагум.  
 Қайрилсанг — қайрилмасанг  
 Улгунча ардоқлагум»<sup>1</sup>.

Меҳнаткаш қизлари саодатга ёр,  
 Заҳматкаш эрлари мақтаганча бор:  
 «Бешқарсак»сиз ўтмас гаштаги, тўйи,  
 «Оҳо якка», «Алёр» — қўшиқ тун бўйи

Бу қавм қайин юртим,  
 Қўноғим, тайин юртим.  
 Лочин келбат ёшлари —  
 Жигарбандим ёрқиним.  
 Ҳар қаерда бўлса ҳам  
 Кўнгил, дили яқиним.

Қирқ кокилли қизларининг  
 Жамолига тўймайман.  
 Катта бўлса янгамсиз деб  
 Шўхлигимни қўймайман...

<sup>1</sup> Миртемирдан.

Бизнинг қайлиқ «пучуқ» қиз,  
Тили бироз чучук қиз.  
Ўз ўйида она қиз,  
«Биров»га парвона қиз...

Дара, увалари, яйлов, қўриғи,  
Жўмард чўпонларин тутган йўриғи,  
Қорабайирлари, саман, тўриғи,  
Ёйилма бугдойи, Ургут ўриғи,  
Чеварларин бирам таърифи зўрки,  
Ҳаммаси, ҳаммаси бу элнинг кўрки.

Самарқанд, суқсурлар маконимисан,  
Ё қўшиқ ўлкаси, ё конимисан,  
Ё шоир ғазали, ё жонимисан,  
Ё куйчи дармони — дostonимисан,

Не сабаб бағрингга чорлайсан мани?!  
Ҳар қалай ғазалхон борлайсан мани!

Бу сирни ўзингдан сўрай деб келдим,  
Не десанг мен шунга унай деб келдим,  
Жаҳонга таниғлик қадимий шаҳрим,  
Сени тилга олсам очилар баҳрим.

Самарқанд — кўз очиб туғилган юртим  
Самарқанд — зуволам юғрилган юртим.

Муқаддас тузини оқла, дўмбирам.  
Фозиллар услубин сақла, дўмбирам.

## МУНДАРИЖА

Бошлама . . . . .	3
Бўстон кезаман . . . . .	5
Илтижо . . . . .	6
Соғиниш . . . . .	8
Гулдаста . . . . .	9
«Шоирлардан сўз очсам...» . . . . .	10
Бўлса . . . . .	11
Созчи қўшиғи . . . . .	12
Болам-ов . . . . .	13
Хуш кўрдик . . . . .	14
Боғбон қўшиғи . . . . .	16
Кўз ва қош . . . . .	17
Моргузар . . . . .	18
Менга тугал юрак керак, дил керак. . . . .	20
Қайдасан . . . . .	22
Сенингсиз . . . . .	24
Қопқон . . . . .	25
Эртақда топилмас бу кунлар . . . . .	27
Қор хат . . . . .	29
Дўмбирам . . . . .	33

На узбекском языке

ТУРА СУЛАЙМАН

**МОЛЬБА**

СТИХИ

Редактор Ш. Раҳмонов  
Рассом Г. Қим  
Расмлар редактори М. Рейх  
Техн. редактор Э. Саидов  
Корректор И. Мирзамаҳмудов

Босмахонага берилди 2/II-76 й. Босишга рухсат этилди 30/IV-76 й.  
Формати 70x90 1/32 Босма л. 1,25. Шартли босма л. 1,46. Нашр  
л. 1,1. Тиражи 10000. Р. 10361. Фафур Фулом номидаги Адабиёт  
ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 222—75.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг  
Бекобод шаҳар босмахонасида № 1 қозоғга босилди. Бекобод,  
1976 йил. Заказ № 59. Баҳоси 13 т.